КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ ЎРНИ

Абдумуротов Шохруҳ Шавкат ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Солиқлар ва суғурта иши” кафедираси ассистенти
Email: abdumurotov0095@mail.ru

Аннотация. *Мазкур мақолада корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилининг ўрни ёртилган. Шунингдек, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилиўда кўрсаткичлар таклиф этилган. Бундан ташқари, корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилил қилиш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *корхоналарнинг молиявий ҳолати, молиявий барқарорлик, хўжалик юритувчи субъектлар, миқдор кўрсаткичлари, рентабелли кўрсаткичлари.*

Кириш

Корхоналар молиявий ҳолатининг таҳлили корхона молия-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганишни назарда тутади. Ушбу таҳлил жараёни учун аниқлаб олинган мақсади таҳлилнинг йўналиши, батафсиллик даражаси, таҳлил жараёнида фойдаланилган маълумотлар, таҳлил амалларининг қўлланиши кабиларга таъсир кўрсатади. Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда таҳлилий амаллар танланади [1].

Республикамизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди» [2] деб таъкидладилар. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, самарадорлигини оширишни тақозо этади. Корхоналар молиявий ҳолати таҳлили корхонанинг жорий ёки стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда турли хил бўлиши мумкин. Таҳлилнинг мақсади корхона фойдасига таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор кўрсаткичларини ва таъсир даражасини аниқлаш, хўжалик маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, корхона мулкдорларига тегиши бўлган фойдани кўпайтириш йўлларини аниқлаш ва шу кабилар бўлиши мумкин. Корхона молиявий таҳлили жараёнида ҳал қилинадиган вазифалар таҳлил олдига қўйилган мақсадга боғлиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий таҳлилга оид турли асарларда корхона молиявий ҳолати таҳлилининг мақсадига турлича ёндашилган. А.В.Воҳобов, А.Т.Ибраҳимов ва Н.Ф.Ишонқуловлар фикрига кўра, корхона молиявий ҳолати таҳлилининг мақсади “ .... молиявий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу

маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, харажатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади” [3].

М.Рахимовнинг фикрича “Молиявий таҳлил мақсади – фирма ва компаниялар молиявий ҳолатини, молиявий натижалари, пул оқимларини молиявий ҳисобот маълумотларида ифодаланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган даврий ўрганишдан иборат” [4].

Проф. Пардаев М.Қ.нинг фикрича, молиявий барқарорлик коэффициентлари гуруҳи компания эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Унда молиявий қарамлик ва молиявий мустақиллик, активларнинг қарамлик коэффициенти, фоизни қоплаш коэффициенти каби коэффициентлардан фойдаланиш таклиф қилинган [5].

Иқтисодчи олим Б.Ж.Хакимов корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинишини эътироф этади [6].

Демак корхонанинг тезкор ликвидлиги яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффициенти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган барча фирма ва корхоналар хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга ёққол кўрсатиб беришдан, камчиликларни очиб ташлашдан, ички имкониятларни (резервларни) ишга соладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида корхоналар молиявий ҳолати таҳлил қилишда гуруҳлаш ва таққослаш усулларидан кенг фойдаланилди. Хусусан, таққослаш усули корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг энг асосий усули бўлиб, ундан молиявий натижалар таҳлилида ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг мақсадини белгилашни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- эришилган молиявий натижани унинг ҳажми ва нисбий катталиги нуқтаи назаридан баҳолаш;
- қандай омиллар таъсирида шаклланганлигини аниқлаш;
- фойдани ошириш имкониятларини ўрганиш;
- корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлашни таъминлаш.

Минтақалар бўйича корхона ва ташкилотларнинг сони йилдан-йилга ошиб бомоқда. Хусусан, 2021 йилда рўйхатга олинганлар сони 503538 мингтани ташкил қилган бўлса, тугатилган корхоналар сони эса 11547 мингтани ташкил қилди ва шулардан фаол ишлаб келаётганлари 475197 минг яқинни ташкил қилди (жадвал). Мамлакатда корхоналар сонинг кўпайиши корхонанинг молиявий холатига боғлиқ бўлади.

Таҳлилнинг мақсади белгилаб олинганидан кейин таҳлилни амалга ошириш жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар аниқлаштирилади.

жадвал

Минтақалар бўйича корхона ва ташкилотларнинг сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

	2021 йил				
	Рўйхатга олинган	**Фаол**	**Нофаол**	**Янги ташкил этилган**	**Тугатилган**
Ўзбекистон Республикаси	**503538**	**475197**	**28341**	**95311**	**11547**
Қорақалполғистон Республикаси	22667	21968	699	4568	750
вилоятлар:					
Андижон	40982	36726	4256	7849	848
Бухоро	29644	28233	1411	6041	957
Жиззах	22027	20993	1034	4384	403
Қашқадарё	31117	30180	937	5916	791
Навоий	21321	20133	1188	4354	785
Наманган	31815	30882	933	6345	1126
Самарқанд	41145	38946	2199	8828	991
Сурхондарё	26615	25367	1248	7666	722
Сирдарё	16436	15425	1011	3011	547
Тошкент	52239	46173	6066	8481	997
Фарғона	43529	42241	1288	8272	601
Хоразм	23462	21979	1483	4721	871
Тошкент ш.	100539	95951	4588	14875	1158

Манба: cЎзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маьлумотлари.

Фойда таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

1) таҳлил қилинаётган даврда олинган фойда ҳажми ва таркибиниўрганиш;

2) эришилган фойда ҳажмини корхона мулкдорининг хўжалик фаолиятини давом эттириш ва ривожлантиришга бўлган манфаатларини таъминлашига етарлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш;

3) эришилган фойда ҳажмини корхонанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга етарлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш;

4) корхона бўйича тўлиқлигича ва унинг таркибий бўлинмалари бўйича фойда режасининг бажарилишини баҳолаш;

5) фойда ва хўжалик фаолияти рентабеллигининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;

6) фойда ва рентабелликка таъсир кўрсатган сабаб ва омилларни аниқлаш ва уларни миқдорий баҳолаш;

7) асосий омилларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш ва уларнинг молиявий натижага умумий таъсирини баҳолаш;

8) фойда олиш учун фойдаланилган ва истеъмол қилинган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, яъни ресурслар рентабеллиги кўрсаткичларини баҳолаш;

9) фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ошириш мақсадида хўжалик фаолиятини такомиллаштириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва тадбирлар ишлаб чиқиш [7].

Фойда таҳлилини реализация қилинган маҳсулот ҳажми билан, шунингдек фойдаланилган ресурслар қиймати билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув бир томондан бевосита олинган тушум билан, иккинчи томондан моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг зарур шарти сифатида амал қилиши билан изоҳланади. Фойда ва рентабеллик таҳлилини амалга оширишнинг асосий маълумот манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай шароитда сотиш шарти билан, балки бошқа моддий жорий (айланма) маблағлар элементлари шароитида баҳоланувчи корхонанинг тўловга қобиллигини кўрсатади. Коэффициентнинг камайиши корхона тўлов имкониятларининг пасайиши ҳақида хабар беради [8]. Корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилил қилишда қуйдаги асосий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинади:

1. Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Тққ = \frac{\text{жорий (айланма) активлар}}{\text{жорий мажбуриятлар}} = \frac{А2}{П2 — Умм}$$ бунда:

А2 — жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва б.), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 — мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлими, 770-сатр;

Умм — узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия баланси 490-сатр).

Агар тўловга қобиллик коэффициенти ҳисобот даври сўнгида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, корхона тўлов қобилиятига эга эмас деб ҳисобланади.

2. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти молиявий мустаҳкамлик, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларининг нисбати учун зарур бўлган корхонанинг ўз айланма маблағларининг мавжудлигидан далолат беради

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Ўак = \frac{(П1 + Уқк) — А1}{А2}$$ бунда:

А1 — узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва б.), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 — ўз маблағлари манбалари (устав капитали, резерв капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда ва б.), баланс пассиви I бўлимининг натижаси 480-сатр.

Уқк — узоқ муддатли активларни олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия баланси 570 ва 580-сатрлардан ҳисоблаш орқали);

Ушбу каср сурати корхона ўз маблағлари суммасининг қанча қисми айланма маблағларга йўналтирилгани, махражи — барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати — 0,2.

Агар ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда корхона ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

3. Рентабеллик коэффициенти корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Харажатлар рентабеллиги коэффициенти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Хрк = \frac{Стф}{Х}$$ бунда:

Стф — Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 5-устуни, ёки Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 6-устуни «–» белгиси билан;

Х — жами харажатлар, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклдан сатрлар (020 «6-устун» + 040 «6-устун» + 170 «6-устун» + 230 «6-устун») йиғиндиси.

4. Активлар рентабеллиги коэффициенти фақатгина йил якунларига кўра қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Арк = \frac{Стф}{Ўб}$$ бунда:

Ўб — баланснинг жами активи ёки пассивининг ўртача қиймати бўлиб, ўртача арифметик ёки ўртача хронологик формула бўйича ҳисобланган.

Агар ҳисобот даври учун рентабеллик коэффициенти:

нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса, корхона зарар кўриб ишлаётган;

0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабеллик (монопол корхоналардан ташқари) ҳисобланади.

5. Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти қарз маблағларини ўз манбалари орқали қайтариш билан таъминланганлик даражасини белгилайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Ўқк = \frac{П1}{П2 — Умм}$$

Агар ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти ҳисобот даври сўнгида 1 дан паст қийматга эга бўлса, бу ҳол корхонада молиявий таваккалчилик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Коэффициентнинг тушиб бориши корхона молиявий таваккалчиликнинг ошиб боришини англатади.

6. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ишлаб чиқариш қувватларининг юкланиш даражасини билдирувчи кўрсаткичдир:

$$Қфк = \frac{Qҳақ.}{Qлойиҳа — (Qижара + Qконсерв.)}$$ бунда:

Оҳақ. — таққосланадиган қиймат кўринишидаги ҳисобот даврида чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми;

Олойиҳа — таққосланадиган қиймат кўринишидаги белгиланган вақт давомида маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш)нинг энг кўп ҳажми, унга асосий технологик ускуналардан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган иш режимига риоя қилиш орқали эришиш мумкин;

Оижара — ижарага берилган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари;

Оконсерв. — консервацияланган (таққосланадиган) қувватлардаги маҳсулот ҳажмлари.

Агар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобот даврида 0,5 дан ёки ўртача тармоқникидан паст бўлса, у ҳолда корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст ҳисобланади.

7. Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти асосий фонднинг давр учун эскириш улушини билдирувчи кўрсаткич бўлиб, асосий воситаларнинг бошланғич нархига нисбатан эскириш қийматини аниқлайди.

$$\text{Авэк} = \frac{\text{Э}}{\text{А}}$$ бунда:

Э — асосий воситаларнинг эскириши, «Бухгалтерия баланси» 1-сон шакл, 011-сатр;

А — асосий воситаларнинг бирламчи қиймати, «Бухгалтерия баланси» 1-сон шакл, 010-сатр.

Агар асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти кўрилаётган давр охирида 0,5 қийматидан ошса, корхонада асосий воситалари сезиларли даражада эскирган ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотларимиз натижасида, корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилининг ўрнин ошириш мақсадида қуйдаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Корхонанинг тўлов қобилиятини ошриш ва 1,25 дан паст қийматга тушиб кетмаслигини таминлаб бориш. Бунинг учуни корхонанинг жорий (айланма) активларини кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқиш;

2. Корхонанинг активлар рентабеллиги ошириб бориш ва 0,05 дан паст бўлмаслигини таьминлаш эришиш;

3. Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари 1 дан паст қийматга тушиб кетмаслиги учун ва молиявий таваккалчиликнинг ошиб боришига йўл қўйилмаслиги учун чора – тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва корхонанинг инновацион таварлар ишлаб чиқишга босқичма- босқич ўтиб боришини таминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, А.А.Абдиев, Б.И.Исроилов Корхоналарда молиявий хисоботлар тазлили. Укув кулланма. Тошкент, Солик; Академияси, 2008. - 78 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатномаси. Тошкент. 2017 йил 22 декабрь.

3. Хакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil 2/2020 (№ 00046) http://iqtisodiyot.tsue.uz.

4. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma Raximov M.Yu. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013. 392 b.

5. Calculation of the invested capital profitability in the financial condition analysis process. Khasanov B.A., Mukumov Z.A., Alikulov A.I., Djumanova A.B., Eshboev U.T., Hasanova R.B. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28, No. 14, (2019), pp. 42-48.

6. Akramov E.A. Korxonalarning moliyaviy holati tahlili. O’quv q’llanma. – T., 2007.

7. Uktamov H. F. Problems of Evaluation and Procuring Economic Security At Enterprises //Asian Journal of Technology & Management Research. – 2020. – T. 10. – №. 01.